

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ОҚШОМИ

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 23 (5. 914) • 1986 йил 28 январь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

ЎзКПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Меҳнат зафарларимиз — коммунистлар анжуманига

Халқ истеъмоли буюмларига — кенг йўл

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмаси коллективи КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, 1985 йил 20 декабрда, мундтаддан аввал ўн биринчи беш йилликнинг барча план-топшириқларини адо этди.

Бирлашма ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партия томонидан ишлаб чиқилган мамлакатини социал-иқтисодий ривожлантириш ташаббусларини йўлнинг яхшилик билан қўллаб-қувватлаб, юксак сифатли, мода талабларига жавоб берадиган ва эҳтиёж катта бўлган халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мусобақалашиб, 1986 йил учун қўйилган социалистик мажбуриятларини олишди.

Мажбуриятлардан тўла фойдаланиш, ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илгор тажрибани, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада усулини кенг жорий этиш, технология ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар малакасини ошириш ва иш вақтининг йўқолишини 0,5 процентга камайтириш эвазига 1986 йил учун бел-

ТОШКЕНТДАГИ МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

гиланган планга қўшимча товар маҳсулот ишлаб чиқаришни 1.200 минг сўмликка кўпайтирилади, меҳнат унумдорлиги белгиланган топшириққа нисбатан 1,2 процентга ўстирилади. Маҳсулотнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилади.

«Янгилик» индекси билан сифати яхшилانган маҳсулотдан шартнома баҳосида планга қўшимча 385 минг сўмлик ишлаб чиқарилади. Яхши тахлаш, яхши би-чиш ва сифатли ўлчаш эвазига барча хилдаги газла-лардан 25 минг квадрат метри, 40 минг киловатт-соат электр қуввати, 70 минг гикалорий иссиқлик энергия-си тежалди. Хўжалик юри-тининг янги шариоитида иш-лаб чиқариш самарадорлиги-ни ошириш асосида ҳосил бўлган маблағ реконструк-циялашга, техника қайта қу-ролланишга, ишчиларнинг меҳнат шариоитини яхшилаш-га сарфланади.

Ерданчи хўжалик ривож-лантирилади, 500 килограмм асал ишлаб чиқарилади.

Санаторий - профилакто-рийдаги ўринлар сони 100 тага етказилиб, бунинг эва-зига корхонага қарашли бо-лалар муассасалари тарбия-ланувчиларининг ҳам ота-налари билан қувватланиш-лари учун шариот яратила-ди.

Меҳнаткашларнинг соғлиги-ни яхшилаш учун амалга ошириладиган тадбирлар ҳи-собига коллективдаги касал-бўлиш ҳолларини 1 процент-га камайтирилади.

Боғдорчилик - узумчилик ҳамжамияти ташкил этилади. Корхона ётоқхонаси қоши-даги спорт майдони жиҳоз-ланади.


Бирлашма ишчилари КПСС XXVII съездини юксак меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга қатъий аҳд қилишган. Улар янги беш йилликнинг биринчи йили план ва социалистик мажбу-риятларини шараф билан ба-жариш учун барча куч ва имкониятларини сарф-лаймиз, деб ишонтиришяпти.

Социалистик мажбуриятлар «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмаси меҳнат коллективи йиғили-шида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

Намуна бўлишмоқда

В. И. Ленин номи элек-трон-техника заводининг Р. Шокиров етакчилиги қила-ётган 11-пех партия таш-килот «КПСС XXVII съез-дига — 27 зарбдор ўн кун-лик» шиори остидаги мусо-бақани кенг авж олдириб, коммунистларнинг активли-ги ва ташаббускорлигини кун сайин оширишга эриш-моқда. Ксения Чумақ, На-дежда Калкина сингари коммунистлар барча ишчи-хизматчиларга ўрнак бўлмоқ-далар.

Коммунистлар етакчили-ки қилаётган бригадаларда иш-лаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифати муттасил оши-б борапти. Улар меҳнатга ком-мунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоқда-лар. 12-тайёров пехида бун-дай ишбилармон коммунист-лар ачагина. А. Умаров ва С. Абдуволов етакчилиги қилаётган бригадалар КПСС Марказий Комитетининг ок-тябрь (1985 йил) Пленуми маъқуллаган съездолди ҳуж-жатлари талаблари асосида иш юритиб, бошқа бригада-ларга нисбатан салмоқли натижаларини кўлга кирит-моқдалар. Съездолди ҳуж-жатлари муҳомаи коммуни-стлар, барча ишчи-хизмат-чилар ташаббускорлиги ва куч-гайратини ошириб юбор-ди. Улар партия XXVII съездида муносиб меҳнат совгалари тайёрлашяпти.



Партия ташкилоти раҳбарлигида

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмасида герметик кабина деталь ва узелларини бўйиш участка-сида ишга тушди. Корхонанинг кенг кўладаги иқтисодий эксперимент изига ўтиши янги маҳсулот ишлаб чиқ-аришни тезроқ ўзлаштириш, технология жараёнларини юксак даражада автомат-лаштириш ва механизация-лаш, ишлаб чиқаришни ўт-хаташ турли реконструкция-ларини муваффақиятли олиб бориш имконини бермоқда.

Ана шу ишларнинг ҳамма-сига партия ташкилоти раҳ-барлиги қиялпти. Ҳар бир иш-чининг ташаббускорлигини ошириш, шартнома мажбу-риятларига қатъий амал қил-ган ҳолда план-топшириқла-рини бажариш, моддий ва меҳнат ресурсларини ҳар то-монлама иқтисод қилиш би-лан бирга юксак яқуний на-тижаларга эришиш имконини берадиган хўжалик юритиш-нинг шарт-шароитларини яра-тиштириш партия ташкилоти ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Корхона конструкторлари 100 от кучига эга бўлган хай-

дов тракторининг янги моде-ли устида изланмоқдалар.

СУРАТДА: (чапдан-ўнга) техник эстетика конструкторлик бюросининг бошлиғи Александр Супрун, бош конструктор, конструкторлик бюроси бошлиғи Леонид Эйсмэн, истиқболли трактор-лар конструкторлик бюроси бошлиғи Владимир Гелиусов ва кабинет конструкторлик бюроси бошлиғи Владимир Фесенко.

Р. Фафуров фотоси, [УЗТАГ].

Мусобақа авж олмоқда

Пойтахтимиздаги экспери-ментал ишлаб чиқариш авто-мобил корхонаси коллекти-ви мамлакат коммунистлар анжуманини юксак кўрсат-кичлар билан пeshов олиш учун социалистик мусобақа-ни тобора авж олдиришмоқда.

Корхонанинг 300 дан орт-қ хайдовчи мусобақада фаол иштирок этипти. Салкам 50 киши съездгача йилнинг дастлабки квартални план-топшириқларини удалаш учун тер тўкмоқда.

Коллектив кўлга кирита-

ётган муваффақиятларни таъминлашда янги машина-лар муҳим роль ўйналпти. Янги йилда 145 та ана шун-дай автомобиллар олинди, улар ҳамшаҳарларимиз хиз-матида чиқарилди. Айни пайт-

да корхонанинг 345 маши-на йўловчиларга хизмат кўрсатиб, уларнинг манзи-лини яқин қилипти. Йил охи-ригача пойтахт кўчаларидаги газ билан йоратган бундай машиналар яна 45 тага қў-пайиши мўлжалланмоқда.

15 февраль — Бутуниттифок

КОММУНИСТИК

ШАНБАЛИК КУНИ

Пешқадамлар

АХДИ

«Главташкентстрой»нинг 4-қурилиш трестига қарашли 18-қурилиш бошқармаси бригадалари ўртасида бошланган ўзаро социалистик мусобақада В. Робертс бошчилик қилаётган комплекс меҳнат бригадаси коллективи ғолиб-лик қилмоқда. Бригаданинг барча 17 аъзоси турдош касбларини ўзлаштириб олган. Бригада пурлати методи асо-сида ишлаётган коллектив шу кунларда «1-Корасу» массивида қад қўраётган 224 ўринли ётоқхона қури-лишида монтаж ишларини олиб бормоқда.

Бригада аъзолари пойтах-тимизнинг илгор корхонала-ри коллективларининг КПСС XXVII съезди шарафига коммунистик шанбалик ўтказ-иш ташаббусига биринчилар қаторида қўшилишди. Шу кун-ни қурувчилар юксак унум билан ишлаб, шанбадан кун-га тушган барча маблағларини беш йиллик фондига ўтказ-ишга аҳд қилишди.

Қурувчилар ўртасида «КПСС XXVII съезди» ши-ори остида социалистик му-собақа тобора кенг қулоқ ёймоқда. Пешқадам қурувчи-лардан Б. Безверхов, Бол-кунов, А. Федоровлар эса коллективни коммунистлар анжумани очилдирилган кунга-ча биринчи квартал планини бажаришга ундашмоқда.

2-уйсозлик комбинатига қарашли 60-қурилиш бошқар-масининг В. Солеханова бош-чилик қилаётган комплекс бригадаси коллективни ҳам меҳнат байрамига қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Шу кун-ни улар меҳнатда юксак унумдорликка эришиш юза-сидан мажбуриятлар олишган.

Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ ғайратга ғай-рат қўшиб ишлаётган брига-да ахли графикдан 20 кун узиб ишламоқда. 80 оилга мўлжалланган тўққиз қават-ли бино қурилишида ишла-ётган бу коллектив биринчи квартал планини мундтаддан аввал адо этиб, съезд очил-дирилган кунни ёруз юз билан кутиб олишга аҳд қилган.

Янги нонлар

Тошкент нон корхоналари бirlашмасига қарашли 5-нон заводи коллектив янги йил-дан бошлаб меҳнаткашлар дастуронига икки хил янги нон маҳсулотларини етказиб бера бошлади. Шулардан би-ри «Чурак-матнаас» деб ата-либ, унинг оғирлиги ярм кило-граммин ташкил этади. Олий нав ундан тайёрланган бун-нонинг баҳоси 22 тийин. Бир кунда корхона нонвойлари шу нондан 500—600 килограмм ишлаб чиқаришмоқда.

«Ёлқич патир» деб аталган ик-кинчи маҳсулотнинг оғирлиги 300 грамм, баҳоси 15 тийин. Бир кунда шу нондан 400 ки-лограмм ишлаб чиқарилиб, шаҳримиз магизинларига жў-натилмоқда.

Янги нонларни тайёрлашда корхона ишчиларидан катта мастер Я. Хасанов, нонвойлар Д. Анбаров, М. Ивашинлар-нинг хизмати катта бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати



Оқланган ишонч

Тошкент тепловоз депоси-нинг маҳоратли машинисти Ха-бибулла Исмамухамедов ҳақида барча — ҳамкасблари, шогирд-лари, корхона раҳбарларидан фақат илиқ сўзларни эшитиш мумкин. Чунки у ана шу одам-ларнинг, шу коллективнинг ишончини аллақачон оқлаган. Улар бу фидойи машинистини ҳаммаша ҳурмат қилишяпти.

Унинг иши юксак тартиб-интизомни, ҳушёрлигини, шу-нингдек ҳар қандай вазиятда ҳам тезкор бўлишни талаб қилади. Шундай бўлса-да, у ўзи ҳақида гапиришни унчалик хуш кўрмайди.

Кейинги йилларда маши-нист ҳаётида бир қатор ку-шонли зоқеалар рўй берди. Ун биринчи беш йилликнинг дастлабки йилидаги муваффа-қиятлари учун унинг кўсиди «Урмат белгиси» ордени ёни-га Ленин ордени ҳам қўшил-ди. Х. Исмамухамедов соца-листик мусобақа ғолиби, ком-мунистик меҳнат зарбдоридир.

Булариинг барчаси мени қувонтиради, — дейди маши-нист. — Бироқ, айни пайтда

бу қувончининг ҳам ўзига яра-ша катта масъулият ва талаб-лари бор...

КПСС XXVII съезди шара-фига пассажирлар ҳаракати колоннаси коллективи оши-рилган социалистик мажбури-ят қабул қилди. Ушбу коллек-тивда Ўзбекистон ССРда хиз-мат кўрсатган транспорт ходи-ми Хабибулла Исмамухамедов ҳам меҳнат қилади. Мазкур коллектив съездни битта со-ставни тежалган ёниги ҳисоби-га бошқариш билан пeshов олишга аҳд қилган. Ҳар бир машинист айни пайтда ана шу сўзининг уадесидан чиқди. Бу-гунги кунда бу ерда мамла-кат коммунистлари анжумани шарафига ташкил қилинган со-циалистик мусобақа кенг қу-лоқ ёлган. Бу мусобақада ҳам-ма бирдай иштирок этимоқда. Тажрибали машинист биргина ўтган йилнинг ўзига саккиз тонна йилнинг тежалаша эриш-ди. У юк составларидан таш-қари пассажир поездларини ҳам муваффақиятли бошқариб. Асосий меҳнатдан ташқари у жамоат ишларида ҳам фаол қатнашяпти. Кўп йиллар дево-

мида у область партия коми-тети аъзоси бўлиб келди. Депо партия ташкилоти секре-тарининг ўринбосари сифатида кўп ишларни амалга оширди. Ҳозир эса мураббийлар сове-тининг, Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси.

Тажрибали мураббий сифа-тида амалга ошираётган ишла-ри, айниқса ибратли бўлмоқда. Унинг бир тилиги бор: ҳар бир шогирдини устоз даражасига кўтариш. Шу йўлда, ўргатади, уқтиради, Шунинг учун П. Рў-зиев, В. Борисенко, В. Шутлов сингари тажрибали машинист-лар ўз устозлари номини мин-натдорчилик билан айтилди-лар. Унинг ўзи ҳам шогирдлар-дан мамнун. Нега деганда бу мамнуният авлоддан авлодлар-га ўтиб ҳаётининг, ишнинг, янада баркамол, фойдали-роқ бўлишига хизмат кўрсата-веради.

О. СТАРОДУБЦЕВ.

СУРАТДА: Тошкент тепловоз депоси машинисти Х. Исмамухамедов ёрданчи Ш. Есембеков билан.

Н. Ключев фотоси.

— тонггу — газеталарда

◆ КПСС Марказий Коми-тети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 27 январда Ита-лия Коммунистик партияси Бош секретари А. Натта билан учрашуви ҳақида хабар босилган. Бўлиб ўтган суҳбатда томонлар иккала партиянинг ички сиёсий фао-лияти ҳақида, КПССнинг XXVII съездида ва ИКПнинг XXVII съездида қандай тай-ёргарлик қуриладиганини тўғрисида бир-бирларига ах-борот бердилар.

◆ Грузия, Литва, Молда-вия, Эстония, Тожикистон, Арманистон Компартиялари-нинг съездлари ҳақида ҳи-сobot берилган.

◆ Съездлар иттифокдош рес-публикалар Компартиялари раҳбар органларининг КПСС XXVII съездида делегатларини сайлади.

◆ Иттифокдош республика-лар Компартиялари Марка-

зий Комитетларининг бўлиб ўтган пленумлари ташкили масалаларини кўриб чиқди. Компартиялар Марказий Ко-митетларининг биринчи сек-ретарлари қилиб: Грузияда — Д. И. Патнашвили, Литва-да — П. П. Гришкявичус, Молдавияда — С. К. Гроссу, Латвияда — Б. К. Пуго, Тожикистонда — К. М. Мах-камов, Арманистонда — К. С. Демирчян сайландилар.

◆ Ўз ишини тўғаллаган Москва шаҳар XXVI пар-тия конференцияси Москва шаҳар партия ташкилотининг раҳбар органларини, КПСС XXVII съездида делегатлар-ни сайлади.

◆ КПСС Москва шаҳар ко-митетининг бўлиб ўтган пленумида КПСС Мар-казий Комитетининг секрета-

ри Б. Н. Ельцин Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

◆ КПСС XXVII съездига бағишланган Коммунистик шанбалик бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистон меҳ-наткашлари учун ҳам ишлаб чиқариш резервларининг ҳи-қийи кўриги, зарбдор иш кун-ни бўлиши керак. Меҳнат байрамига тайёргарлик қу-рувчи республика штабнинг 27 январь кунин Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда қарилди.

Штаб 15 февраль кунин ўт-казиладиган зарбдор вахтани таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар тўғ-рисида Тошкент шаҳар, Ян-гийул район партия коми-тетларининг, Олмалик кон-металлургия комбинати парт-комининг ахборотларини тинглади.

Шаҳримиз намунали бўлсин

Ҳамкорлик эвазига

Собир Раҳимов райони ободончилари КПСС XXVII съездида бағишланган нав-батдаги ўн кунликда кўпгина ишларни амалга оширишди. «Юбилей» спорт залидан тортиб, Тошкент Халқа йў-лигача бўлган Фобрий кўча-сининг 3 километрини участ-каси капитал ремонт қилин-ди. «Чимбой—2» массивида Э. Ҳамдалов бошлиқ бри-гада ишчилари янги микро-хийбон барпо этишга кириш-дилар. Бригада, шунингдек София проспекти бўйлаб ме-вали ва манзарали даракт кўчтарларини ўтказишни му-ваффақиятли бажармоқда. Шунингдек, Беруний кўча-сидаги сайхонликда ҳам сал-кам ярим гектар майдонни

эгаллайдиган кичкина хиё-бон бунёд этилди.

Д. Раҳимов бошлиқ ирри-гаторлар бригадаси ҳам бу-гунги кунда қизгин иш олиб бормоқда. А. Юнусов, Сан-дов, Қамарисов кўчаларида-ги ирригация шаҳобчалари ҳамда Чингай, Кайковус, Чорсу, Янгирчиқ каналлари-ни тозалаш ишида ушбу бри-гада аъзолари жонқурлик кўрсатишмоқда.

Райондаги барча ободо-чилик тадбирларида аҳоли, маҳалла комитетлари, шу-нингдек ишлаб чиқариш кол-лективлари ҳам актив қат-нашмоқдалар. Ободонлашти-риш ишлари учун йил боши-дан бери салкам 40 минг сўмлик маблағ ўзлаштирил-ди.

Умумхалқ ҳашари

Ҳозир шаҳримизнинг ҳам-ма ерида 15 февраль кунин ўтказиладиган Бутунитти-фок коммунистик шанбали-гига қизгин ҳозирлик қўри-лмоқда. Жумладан, бизнинг «Марказ—14» кварталда ҳам шу кунга аҳоли ёрдами-да жуда кўп ишлар амалга оширилади. Микрорайондаги ҳар бир ўй олдига ҳашарчи-лар томонидан тозаланиб,

чиқиндилар Октябрь район ободонлаштириш бошқарма-си томонидан ажратилган машиналарда олиб кетилди. Дарахт ва ишил тўсиқлари-шакл берилди. Микрорайон-нимизда умумхалқ ҳашарида актив иштирок этиш учун ҳамма тайёргарлик кўриб қўйилди.

А. САМИҒОВ.

Йўлсозлар ҳиссаси

Шаҳримиздаги «Гордор-стройремонт» трестига қарашли 3-ремонт-қурилиш бошқармасининг К. Замонов бошлиқ бригадаси коллекти-ви пойтахтнинг янги Грузо-вая кўчасини бунёд этишда муваффақият билан ишла-моқда. Жанубий вокзалдан то Иваново тўқимачилари шаҳарчасигача борувчи уш-бу кўчанинг узунлиги уч километр бўлади. Айни пайт-да кўчанинг 500 метрилик қисми тайёр ҳолга келтирил-ди.

Бригада коллективни мам-лакат коммунистлари анжу-манини юксак кўрсаткичлар билан пeshов олиш учун со-циалистик мусобақада фаол иштирок этимоқда. Бошқар-маннинг М. Хлинос бош-лиқ бригадаси ишчилари ҳам мусобақада пешқадам-лик қилишяпти. Улар Сель-маш кўчасида генерал Пет-ров кўчасига борувчи йўл-ремонтини юксак сифат би-лан бажаришмоқда. Йил да-вомида трест фидойилари 3 миллион 120 минг сўмлик йўл-қурилиш ишларини амалга оширадилар. Бу ўт-ган йилдаги қараганда салкам 30 минг сўмлик кўп-дир.

«САМАРАЛИ МЕХНАТ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ УЧУН» БУТУНИТТИФОҚ РЕЙДИ

СССР Журналистлар сою-зи ва Бутуниттифок ҳушёр-лиги учун кураш кўчилиш жамаияти шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг тақлифини, «Правда» газетасининг ташаббусини қўллаб-қувват-лаб «Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун» Бутун-

иттифок рейдини эълон қил-ди. Рейдин ишчи-деҳқон муҳбирли билан жамяит активлари 1986 йил 1 фе-вралдан 31 июлгагача ўткази-лади. Бундан кузатилган мақсад интизомни ҳар қандай бузишларга, ичкилик-бозликка ва алкоголизмга

қарши курашни чинакам ом-мавий, ҳужумкор тус олди-ришдан иборат.

Рейд давомида меҳнат коллективларида, маданият-маърифат муассасаларида, савдо ва умумий овқатла-ниш корхоналарида партия билан ҳукуматнинг тартиб

ўрнатил, ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатиш, ин-тизом, ушшоқликни муста-ҳкамлаш, клублардан ва спорт иншоотларидан фойда-ланишга яхшилаш соҳасида белгиланган тадбирлари қан-дай амалга ошириладиганини аниқлаш мумкин. Рейд қатнашчилари олдида — кам-чиликларни шунчаки қайд этиб қолмай, балки уларнинг сабабларини аниқлаш, шу камчиликларни тугатишга ҳаракат қилиш, меҳнатни, мазмундор дам олишни мо-

ҳирона ташкил этиш, ҳушёр турмуш тарзини қарор то-пириш соҳасидаги иш тажри-басини топиб кўрсатиб бе-риш, бу ҳақда газета саҳи-фаларида, радио эшиттириш-ларида ва телевидение кўр-сатувларида аниқ-равшан, ишончли тарзда ҳикоя қи-либ бериш вазифаси қўйилди.

Журналистларнинг бош-ланғич ташкилотлари билан ҳушёрлик учун курашувчи жамяит ташкилотлари туга-диган ва тасдиқлайдиган рейд гуруҳлари тегишли ре-

дакциялар ва партия коми-тетлари билан келишиб олин-ган план асосида ишлайди-лар. Рейдларнинг натижаля-ри матбуотда, радио ва телевидение орқали ёритиб борилади.

Рейдинг узил-кесил яку-ларини СССР Журналистлар союзининг правлениеси билан Бутуниттифок ҳушёрли-к учун кураш кўчилиш жама-иятининг правлениеси 1986 йил 15 августда чиқаради. (ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг делегатлари диққатига

Съезд делегатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида 1986 йил 28—29 январь кунлари соат 10.00 дан 19.00 гача рўйхатга олинади.

Телефонлар: 395-625, 395-675.



М. Нуриддинов, ф. фотоск.

Стоктольм шаҳрида «Скапа» («Кашфиёт») ширси остида итиртирилган ва рационализаторларнинг иставакиси бўлиб ўтди. Бунда швед Ганс Андерссоннинг икки кишига мўъжалланган кичик сув ости келаси жюри хайъати ва мухлисларнинг олишига сазовор бўлди. Мустақим пластика ва пўлатдан сзалган бу кичкина кема 200 метр сув остига тушиб, у ерда 8 соатча тура олиши мумкин. Касби курувчи-кичи бўлган Андерссон бўш вақтларида сув ости спорти билан шуғулланади.

СУРАТДА: Ганс Андерссон ўнгда) Стоктольмдаги истава-када кўрсатилаётган ўз итириси ёнида.

Прессенбилд—ТАСС Фотоси.

Жиддий синов

2 ФЕВРАЛЬ КУНИ ТОШКЕНТДА «ПАХТАКОР» КОМАНДАСИ АВСТРИЯНИНГ «РАПИД» КОМАНДАСИ БИЛАН УЧРАШАДИ.

Бўлажак ўйин иштирокчилари катта қизиқиш уйғотмоқда. Мухлислар «Пахтакор» командаси бу матчида қандай тайёргарлик кўраётганига тўғрисида маълумот беришимизни сўраб, редакцияга кўлаб мактублар йўлалмоқда. Шу муносабат билан биз «Пахтакор»нинг Қиёрадаги ўқув машғулотлар базасига телефон қилиб, команданинг устози, республикада хизмат кўрсатган тренер В. М. Тихонов билан боғландик.

— Виктор Михайлович, «Пахтакор»чилар бу хабарни қандай қарши олишди?

— Аввало шунинг айтиш керакки, биз бу ўртоқлик учрашуви ҳақида мухлисларга ҳисобат бирмунча илгарироқ воқиф бўлди. Гапнинг сирасини айтганда, «Рapid» кучли команда. Шундай бўлсада, мазкур матч команда аъзоларини сира саросимага солгани йўқ. Аксинча шундай таниқли командага қарши муносиб ўйин кўрсатишга таралду кўрмоқдамиз. Футболчиларимизнинг кайфияти яхши.

— «Пахтакор»чилар бу матчида қандай ҳозирлик кўришмоқда?

— Команда аъзолари билан олиб борилаётган ўқув машғулотларида кўпгина равишда техник жиҳатдан шайин, тезкорлик ва ҳақиқий фаилатларини тобиға етказиш борасида ҳам ишлар олиб борилапти. Яқинда команда Термизга йўл олади. У ерда биз маҳаллий «Сурхон» ва «Шеробод» ко-

мандалари билан синов ўйинларини ўтказамиз.

— «Пахтакор» командаси составида қайси ўйинчилар майдонга тушади?

— Ҳозирмода ҳоли бўлмаган ўзгаришларни ҳисобга олганда дарвозабонлар — А. Яновский ва В. Цирин, ўйинчилар — И. Ахмедов, С. Бондаренко, Ф. Магомедов, Т. Денисов, А. Айвазян, В. Постнов, Д. Синелобов, Э. Гесс, С. Рамамов, А. Зен-туллаев, М. Кабаев, Е. Браднеллар «Пахтакор» шарафни ҳимоя қилишади.

— Иштирокчилар ҳақида нима дея оласиз?

— Аввало, команданинг шундай саноқли мухлислари миннатдорчилик изҳор қиламиз. Чунки мухлислар мадади футболчилар кайфиятида муҳим аҳамият касб этади-да. Иккинчидан команданинг бу йилги мавсумга тайёргарлигини жуда эрта бошлагани. Бу учрашув ана шу икки ой биргаликда олиб борган ишларини текширувчи жиддий синов, имтиҳон бўлади. «Пахтакор»чилар машғур команда билан матчида муносиб ўйин кўрсатишга тайёрланишмоқда.

— Қимматли суҳбатингиз учун раҳмат, Виктор Михайлович.

— Сизларга ҳам раҳмат! Австриялик футболчилар дастлабки учрашувдан кейин 4 февралда Фарғонада «Нефтяник» билан, 7 февралда эса Самарқандда маҳаллий динамочилар билан ўйинларда ҳам иштирок этадилар.

Суҳбатчи
Е. АЛИЕВ
олиб борди.

«Пахтакор» — 86



СУРАТЛАРДА: «Пахтакор» футболчиларининг «Рapid» командаси билан учрашуви олдидан ўтказилаётган машқларидан лавҳалар. В. Молгачев фотолари.

«Рapid» —
«Шиддаткор»
демакдир

Ҳозирги кунда Австрияда 1515 клуб бўлиб, улар 200 мингдан ортиқ футболчини бирлаштирилади. Ўйинлар мавсуми август-ноябрь ҳамда март-июнь ойларидир. 1927 йилдан бошлаб мамлакат чемпионати мусобақалари ўтказиб келинади. Австриянинг энг йирик стадиони Венадаги «Пратер» стадиони бўлиб, у 88.000 томошабинга мўлжалланган.

Мамлакат терма командаси XI Олимпиада ўйинларида 2 ўринни эгаллаган. Усмирлар терма командаси эса 1950 ва 1957 йилларда УЕФА турнирида ғолиб чиққан.

В. Науш, К. Сеста, М. Синделер, В. Земан, Э. Хаппель каби ўйинчиларнинг номи жаҳон ва Европа футбол тарихидан муносиб ўрин олган. Австрия футболига катта шукрат келтирган коллективлардан бири Венадаги «Рapid» командасидир.

Кубок эгалари мусобақасида «Рapid» командаси Киев динамочилари билан учрашди, ған бўлди. Ўйинлар 5 ва 19 март кунлари ўтказилди. Шу кунгача «Рapid» бундай турнирларда 3 марта совет командалари билан учрашиб, уларнинг барчасида ғалаба қозонган. 1966-67 йилларда «Рapid» Москва спартакчиларини енгди (1:1 ва 1:0), 1969 — 1970 йилларда эса пойтахт аэрозаводчиларини доғда қолдирди (0:0 ва 1:1; ягона тўп рақиблар майдонидан киритилган). Ўтган йили бу машғур клуб Москва динамочиларини мағлубиятга учратди (3:1 ва 1:1).

«Рapid» футболчилари хо-

зирга қадар 27 марта Австрия чемпиони бўлишган, команда 11 марта мамлакат кубогини қўлга киритган. У Европа клублари турнирида 26 марта иштирок этмоқда. Ўтган йили «Рapid» Кубок эгалари турнирининг финалида қатнашиб, Англиянинг «Эвертон» командасидан 1:3 ҳисобида енгилди. Команда составида Лайнер, Вебер, Прегесбауэр, Кинаст, Кранкль, Пакулт каби мамлакат терма командаси аъзолари бордир. Югославиялик 3 ўйинчи — Бручич, Халилович, Кранчар ҳам «Рapid» составида ўйнамоқдалар. Командада тренер югославиялик Маркович, дир.

Айни пайтда «Рapid» мамлакат чемпионати мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаб турибди. (22 ўйиндан 37 очко тўпланган). Команда ўйинчилари шу даврга 73 марта рақиблари дарвозасини ишғол этишган. Ҳужумчилардан Кранкль ва Кранчар 18 тдан тўп киритиб, мерганлар баҳсида пешқадамлик қилмоқдалар.

«Рapid» командасининг серкўш ўлкамизда ўтказадиган ўртоқлик матчилари меҳмонлар учун навбатдаги мусобақаларга тайёргарлигининг бир босқичи бўлади.

Команданинг номи «шиддаткор» маъносини англатади. Уйлашмики, ўз аъзоларига содик бўлган австриялик футболчилар Тошкентда чиройли ўйин кўрсатиб, иштирокчиларни хушнуд этадилар.

А. ИММОХУЖАЕВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КААТТА ТЕАТРИДА — 28/1 да ИЙУЛчи юлдуз.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРРАМА ТЕАТРИДА — 28/1 да ЧИДО-йилар.

КИНО

28 ЯНВАРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«КЕЛИБ АЙТГАНЛАРИМ»
Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да; телефон 74-30-38).

«ПАРОЛНИ ИККИ КИШИ БИЛАДИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«АЛВИДО, ГҲР ЕШЛИ ГИМ» — Чайка (21.30; телефон 77-06-20). ВЛКСМ 1 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ИККИ КИШИЛИК ВОКЗАЛ» Нукис (18.30, 20.45; телефон 46-70-69).

«ҚИШДА ПИШАР ОЛЧА» — Лисунов номи (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), Мисоска (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«БИТИМ» — Дружба (12.30; телефон 66-15-75).

«ОИЛАВИЙ ХАЕТ ППОГО НАЛАРИ» — Искра (11.20; телефон 39-14-52).

«222-РЕИС» — Дружба (17.18, 20.30); Чайка (18.30).

«ЎЗ ҚЎЗИНГ БИЛАН КҲР» — Искра (17, 20.00).

29 ЯНВАРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ПАРОЛНИ ИККИ КИШИ БИЛАДИ» — Ватан (11.14, 16.18, 20.30, 21.30; телефон 74-30-38), Тошкент Советининг 50 йиллиги (тоқ соатларда, 778-47-52).

«АЛВИДО, ГҲР ЕШЛИ ГИМ» — Чайка (11, 11.30, 16.18, 20.30, 20.45; телефон 76-06-20).

«ИККИ КИШИЛИК ВОКЗАЛ» — Нукис (10, 13.30, 16.18, 20.30, 20.45; телефон 46-70-69).

«ҚИШДА ПИШАР ОЛЧА» — Лисунов номи (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ШАФКАТСИЗ РОМАНС» — Москва (12.30, 15.18, 20.45; телефон 33-44-52).

«БИТИМ» — Дружба (11.20; телефон 66-15-75).

«ОИЛАВИЙ ХАЕТ ППОГО НАЛАРИ» — Искра (12.20; телефон 39-14-52).

«ЎЗ ҚЎЗИНГ БИЛАН КҲР» — Искра (14, 17, 20.00).

«222-РЕИС» — Дружба (11.15, 14.15, 17, 20, 22.30); Чайка (11, 13.30, 16, 18.30).

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА
5 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА
СССР — АҚШ

ТЕРМА КОМАНДАСИ
ЎРТАСИДА
ЭРКИН ҚУРАШ БЎИИЧА
ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

Мусобақанинг бош судьяси — Бутунитифок тоғасидан суяб Б. Ф. ТҲРАХУЖАЕВ (Тошкент шаҳри).
«Юбилей» Марказий спорт залида кассалар 1 февралдан бошлаб ҳар кун соат 122 дан 20.00 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Справкалар олиш учун: телефонлар: 46-03-12, 46-70-31 — касса, 46-07-53, 46-68-77 — администратор.

Тошкент шаҳар Киров районидаги 51-ўрта мактаб томонидан Тошкентбоява ДИЛФУЗА Ғайратова номига берилган 272491 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТҲҲРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КОРХОНАЛАР ВА ТААШҚИЛОТЛАРИНИ РАҲБЗАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлаш корхонасида чекланмаган миқдорда МАКУЛАТУРА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қабул пунктининг адреси: Тошкент шаҳри, Металлистлар кўчаси, 2-уй. Справкалар учун телефонлар: 488-04-93, 48-22-58.

Тошкент шаҳар ижроия қўмитети қоидадаги бош ҳисоблаш маркази коллектив ҳисоблаш маркази ходими О. Рашидовага отаси

Мутал
РАШИДОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет нуришли — 32-55-37; саноат ва нуришли — 32-57-84; шаҳар ҳўмаллиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 32-28-95; хатлар — 32-29-70; эълонлар 69-лими — 33-81-42.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАБ
ҲУҲЖАТЛИ ВА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИНИНГ

ТЕМАТИК КҲРИГИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

28-29 январда — Кўнгилчан кўжайин ҳузурда.

31-январь — 2 февралда — Ҳаёт билан сигналган фактлар.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

28 январда — Ҳлим баҳосини ўйилардан сўра.

29-30 январда — Генерал Шубников корпуси.

31 январь — 2 февралда — Осиё устида бўрон.

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА

ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

28-29 январда — Дарахт несадиган жойдан репортаж.

31 январь — 2 февралда — Наташа.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

28 январда — Ҳта муҳим шахс.

29-30 январда — Мен сен учун жавобгарман.

31 январь — 2 февралда — Асосий кун.

ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

28-29 январда — Александр Лешчук: фикрларни баралла айтиш.

31 январь — 2 февралда — Ҳз фойдасини кўзламай.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

28 январда — Менинг номзодим.

29-30 январда — «Ҳлим» сўзини унутдинг.

31 январь — 2 февралда — Мухаббат ва нафрат.

ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

27-28 январда — Ота ва ўғил.

29-30 январда — Қизикчиликда отиш ярамайди.

31 январь — 2 февралда — Мухаббат ва нафрат.

«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА

ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

28-29 январда — Сўз бердингми — банар.

31 январь — 2 февралда — Олдинда борувчилар.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

28 январда — Мухаббат ва нафрат.

29-30 январда — Пароль — «Регина» меҳмонхонаси.

31 январь — 2 февралда — Улкан қисқа ҳаёт.

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА

ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

28-29 январда — Иккинчи тугилиш.

31 январь — 2 февралда — Мақсад ва ҳаракат бирлиги.

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

28-29 январда — Иккинчи тугилиш.

31 январь — 3 февралда — Иш вақтида иш бўлсин.

«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

28-29 январда — Сўз бердингми — банар.

31 январь — 2 февралда — Шахсан жавобгар.

«АНГИОБОД» КИНОТЕАТРИДА

ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

28-29 январда — Ижроия комитет қарор қилади.

31 январь — 2 февралда Олдинда борувчилар.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

28-29 январда — Мана, ўша йигит қайтди.

30 январь — 2 февралда — Қандай ажойиб йилларимиз.

«ҒУНЧА» КИНОТЕАТРИДА

ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

28-29 январда — Иш вақтида иш бўлсин.

31 январь — 2 февралда — Ишчи вақтинчи қадри.

СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРИДА

ҲУҲЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

28-29 январда — Кечки суҳбатлар.

31 январь — 2 февралда — Унинг ҳаёти иши.

«ЗВЕЗДА ВОСТОКА» КЛУБИДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:


28 январда — Жазирама кўёш остидаги уй.

ДАМ ОЛИШ ХОНАСИ

БИЗ ҲАР ОҚШОМ ОИЛАМИЗ БИЛАН ХОНАДА ЖАМУЛ-ЖАМ БЎЛАМИЗ. БИР ПИЕЛА ЧОЙ УСТИДА СУХ БАТ ҚУРАМИЗ, МУТОЛАА ҚИЛАМИЗ, ТЕЛЕВИЗОР КҲРАМИЗ, ШАХМАТ ЕКИ ШАШКА ҲУНАИМИЗ, ЧЕВАРЛИК, КАШТАЧИЛИК ҚИЛАМИЗ.

«ГРЕЗИ» МЕБЕЛЛАР ТЕРМАСИ КВАРТИРАНГИЗДАГИ АНА ШУНДАЙ ХОНАНИ АЙИҚСА ШИНАМ ҚИЛАДИ. БУ МЕБЕЛЛАР ТЕРМАСИДА ДАМ ОЛИШ УЧУН ДИВАН-КРОВАТЬ, ИККИТА КРЕСЛО, ЖУРНАЛ СТОЛЧАСИ МУҲАҲЕ.

ОЛМАЛИК МЕБЕЛЬ КОМБИНАТИ «ГРЕЗИ» МЕБЕЛЛАР ТЕРМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.



«ЎЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 55-22-89).
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.



ЧОРШАНБА, 29. I

● МТ I

9.00 «Время».
9.45 «Горничилар, қаердасиз!»
10.15 «Савҳатчилар клуби».
11.15 Тбилисда ёшлар спектаклларининг II Бутуниттифоқ фестивали.
12.10 Янгилликлар.

15.00 Янгилликлар.

15.20 «Москва ва москваликлар».

16.20 «М. Е. Салтиков-Шчедрин театри».

17.00 «Мухбирларимиз ҳисоя қиладилар».

17.30 «Беседи» халқ куйлари ансамбли иккунда (Калуга).

17.45 КПСС XXVII съездининг делегати, Волгоград область Жирнов райониданги Киров номи совхоз директори Н. И. Жданов ҳақида очерк.

18.00 «Кувноқ стартлар».

18.45 «Сўзни амалда иш билан оқла».

19.15 «Дунё воқеалари».

19.30 С. Рахманинов романсларини СССР халқ артисти З. Соткин

лева иккунда этиди.

19.50 «Дунё ва ёшлар».

20.30 Фигуралы учаш бўйича Европа чемпионати.

21.30 «Время».

22.05 Эркин кураш бўйича халқаро учрашув. СССР — АҚШ терма командалари.

22.50 Халқ куйлари.

23.50 Хоккей бўйича СССР чемпионати.

● УЗТВ I